



ISSN 2091-5187

СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ
ЖУРНАЛ

2023
1-сон



СЕРВИС

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ЖУРНАЛ 2023 йил, 1-сон

Муассис: Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2008 йил 31 декабрда
0561-рақам билан рўйхатга олинган.

ЎЗР ОАК Риёсатининг 19.03.2017 й., 239/5-сонли қарори билан эътироф этилган

**Таҳририят ижодий
жамоаси:**

Бош муҳаррир:

и.ф.д. **М.Э.Пўлатов**

Бош муҳаррир

ўринбосари:

профессор **Д.Х.Асланова**

Масъул котиб:

профессор **М.Қ.Пардаев**

Муҳаррирлар:

Ф.А.Сафаров

Ш.З.Ўрозов

Техник муҳаррир:

А.Н.Холиқулов

Корректор:

С.А.Бабаназарова

Саҳифаловчи:

Ҳ.Н.Очилова

1 йилда 4 мартаба
чоп этилади.

Ўзбекистон ҳудудида
тарқатилади.

Таҳририят манзили:

140100, Самарқанд шаҳар,
Амир Темура кўчаси, 9-уй,

тел.: +998(66)233-28-38,

факс: +998(366)231-12-53

эл.почта:

samisiservis@mail.ru

Таҳририят кенгаши раиси:

М.Э.Пўлатов – Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти
ректори, иқтисод фанлари доктори, профессор

Таҳририят кенгаши раиси ўринбосари:

Д.Х.Асланова – СамИСИ илмий ишлар ва инновациялар
бўйича проректори, иқтисод фанлари номзоди, профессор

Таҳрир кенгаши аъзолари:

Б.А.Бегалов – Ўзбекистон Республикаси Давлат Статис-
тика кўмитаси раиси, иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Қ.Пардаев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.К.Ғоибназаров – иқтисод фанлари доктори, профессор.

Д.Р.Зайналов – СамИСИ каф.мудир, профессор, и.ф.д.

О.М.Муртазаев – ТДИУ Самарқанд филиали директори,
иқтисод фанлари доктори, профессор

М.Р.Болтабаев – Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия ва
спорт университети ректори, иқтисод фанлари доктори

Р.Х.Эргашев – ҚарМИИ профессори, и.ф.д.

И.С.Тўхлиев – СамИСИ профессори, и.ф.д.

М.М.Мухаммедов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

К.Б.Уразов – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Қ.Ж.Мирзаев – СамИСИ каф. мудир, и.ф.д., профессор

Б.И.Исроилов – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Г.М.Шодиева – СамИСИ профессори, и.ф.д.

Б.Абдукаримов – СамИСИ профессори, и.ф.н.

Р.Қобилов – Самарқанд вилояти ҳокими ўринбосари

С.Н.Тошназаров – СамИСИ кафедра мудир, и.ф.д.

Р.Н.Нормахматов – СамИСИ профессори, т.ф.д.

О.М.Пардаев – СамИСИ декани, и.ф.д.

М.Т.Алимова – СамИСИ профессори, и.ф.д.

З.Дж. Адилова – ТДИУ профессори, и.ф.д.

Ш.О.Қувондиқов – СамИСИ доценти, и.ф.д.

МУНДАРИЖА

НАЗАРИЯ ВА МЕТОДОЛОГИЯ	
Саидахрор Саидахмедович Ғуломов, Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев Учинчи Ренессансни шакллантириш таълим сифатига, таълим сифати педагогинг масъулиятига боғлиқ	5
Зокир Сайфиддинович Артиков, Дамир Улугбекович Хакимов Аҳоли фаровонлиги, ҳаёт даражаси ва сифатини таъминловчи неъматлар, уларнинг турлари, таснифи ва баҳолаш йўллари	10
Зариф Юсупович Аминов Инсон хавфсизлиги тушунчаси ва унинг турлари	16
Шокиржон Шарипжонович Банноев Маҳаллий озиқ-овқат бозорининг ижтимоий-иқтисодий моҳияти ва вазифалари	20
Shahloxon Shavkatovna Sharifova Halol ovqatlanishga doir asosiy kategoriyalar mohiyati va zarurati	25
Акмал Алимжонович Салимов Мамлакат тараққиётини таъминлаш ва уни самарали бошқаришда инсон капиталининг ўрни	31
Ziyobidin Shaminovich Suvonov, Mavluda Shuxratjon qizi Shuxratjonova Halol oziq-ovqat sanoati va uni O‘zbekistonda rivojlantirish istiqbollari	37
ИННОВАЦИЯ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ	
Нозир Алиевич Ибрагимов Тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва худуднинг инвестицион жозибадорлигини ошириш – тараққиёт гарови	42
Шухрат Маъруфжонович Исломов, Нодира Абдуллаевна Эшқувватова Рақамли иқтисодиёт шароитида меҳнат ресурсларининг фаол бандлик сиёсати	46
Sardorbek Isroiljon o‘g‘li Qodirov O‘zbekistonda raqamli iqtisodiyotning rivojlanish tahlili	51
Зарина Ҳусановна Рафиева Рақамли технологиялар орқали банк-молия хизматлари самарадорлигини ошириш йўллари	57
САНОАТ ВА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ	
Рўзибой Нормухоматов, Акрам Джуракулович Ғафуров Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сақлашнинг илмий асосларини билиш – нобудгарчиликни камайтиришнинг муҳим омилidir	63
Умар Худайбердиев, Нилуфар Зиябаевна Юлдашова Ўзбекистонда деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш ва унинг муаммолари	65
Раънохон Махмудовна Каримжанова Наманган вилоятида қандолат маҳсулотлари бозорининг ривожланиш тенденциялари	68
Музаффар Мусаевич Усмонов К вопросам развития кооперации в плодоовощном секторе Узбекистана	72

Зарина Ҳусановна Рафиева – Ш.Рашидов номидаги СамДУ магистранти

РАҚАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ОРҚАЛИ БАНК-МОЛИЯ ХИЗМАТЛАРИ САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Аннотация. Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, информацион оқимларнинг тезлик билан ҳаракатланаётган бир шароитда банк-молия хизматларининг ривожланишида албатта рақамли технологияларнинг роли тобора ортиб бормоқда. Ушбу мақолада банк-молия хизматларни самарадорлигини оширишнинг асосий кўрсаткичлари ўрганилган ҳамда унда рақамли технологияларни таъсири таҳлил қилинган.

Калит сўзлар: Мобиль технологиялар, рақамли банклар, биометрик технологиялар, блокчаин технологияси, технологик ривожланиш, рақамли иқтисодиёт, банк-молия хизматлари, масофавий банк хизматлари.

Кириш. Молиявий хизматларни етказиб бериш ва истеъмол қилиш борасида сўнгги йилларда катта ўзгаришлар бўлди. Замонавий ахборот-телекоммуникация технологиялари, мобиль алоқа воситалари ва глобал интернет тармоқларини ривожлантириш, бир томондан, глобал ахборот ресурсларидан фойдаланиш нархини камайтирса, бошқа томондан, янги технологияларни жорий этиш орқали масофавий банк хизматларини такомиллаштириш имкониятини яратди. Технологик ривожланиш натижасида бизнес, банк ва молия тизими муҳтида катта ўзгаришлар рўй бермоқда. Банк хизматлар бозорида ҳам интернет ва мобиль технологияларни қўллаш ҳамда улардан фойдаланиш банкларнинг хизмат кўрсатиш тарихида мисли кўрилмаган ўзгаришларга олиб келмоқда. Кўп сонли электрон каналлар орқали электрон банк хизматларини ривожлантириш мижозларга қўшимча қулайликларни тақдим этиш имконини берди. Бугунги кунда ривожланган давлатлар банк тизимида кўплаб молиявий хизматларнинг ортиб бориши масофадан банк хизматини кўрсатиш аҳамиятини янада оширди, натижада бутун дунё бўйлаб йирик банклар томонидан банк хизматларининг турли хил вариантлари онлайн режимда тақдим этилмоқда.

Хусусан, Ўзбекистонда ҳам иқтисодий ислохотларнинг чуқурлашуви, информацион оқимларнинг тезлик билан ҳаракатланаётган бир шароитда банк ва мижоз ўртасидаги муносабатларда замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тўловларни реал вақт режимида тезкорлик билан ҳисоб рақамларни бошқариш, шу жумладан рақамли технологияларга асосланган масофавий банк хизмати турларини янада кенгайтириш заруратини юзага келтирди. Шундан келиб чиқиб, тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантиришга қаратилган вазифаларни ўзида камраб олган Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қабул қилинган “2022 — 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги[1] Фармони ҳамда 2018 йил 23 мартдаги ПҚ-3620-сон «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори[2] қабул қилинди.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ушбу мавзу доирасида кўплаб хорижлик олимлар, хусусан, П.Розенштейн-Родан, В.Стаханов, А.Ю.Шарипов, Л.Г.Шернюк ва Л.С.Ананев, Г.П.Журавлева, Е.Г.Ясинлар томонидан тадқиқотлар олиб борилган. Иқтисодий адабиётларда «банк инфратузилмаси», «банк-молия хизматлари бозори инфратузилмаси» иборалари кўпроқ банк тизимида бозор муносабатлари механизмларидан фойдаланилгандан кейин учрай бошлади.

Ўз навбатида, мамлакатимиз иқтисодчи олимларининг тадқиқотларида ҳам ушбу муаммони ўрганишга эътибор қаратиб келинмоқда, жумладан, Ш.Р.Ражаббаевнинг илмий тадқиқотларида банк-молия инфратузилмаси ривожланишининг молия бозорига таъсири ёритиб берилган. Шунингдек, иқтисодчи олимлар: Н.Х.Жумаев, А.Қ.Қодиров, О.А.Алиқориев, Н.Ф.Каримов, Ш.З.Абдуллаева, Т.И.Бобоқулов, Т.Қоралиев, А.Омонов, О.Б.Сатторов, С.А.Абдуллаева, М.Б.Мўминова, М.М.Абдурахмонова, З.Т.Мамадияровларнинг илмий тадқиқотларида эса мамлакатимизда банк тизими ва уни ривожлантириш

истикболларига бағишланган масалалар ўрганилган.

Юқорида номлари келтирилган олимларнинг банк-молия хизматлари, банк хизматлари, масофавий банк хизматлари доирасида олиб борган илмий-назарий ёндашувлари мавжуд.

Тадқиқот методлари. Илмий мақолани тайёрлаш жараёнида маълумотларни гуруҳлаш, анализ ва синтез, тизимли таҳлил, таққослаш ҳамда эксперт баҳолаш усулларидан ҳам унумли фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ғарбий Европа банклари ўртасида ўз мижозларига банк хизматини «уйида» кўрсатиш учун бўлган рақобат XX асрнинг 80-йиллари бошларида алоҳида бир даражага етди. 1982 йилнинг ноябрида Nottingham Building Society курилиш жамияти Шотландия ва Британия British Telecom телефон компанияси билан биргаликда 1983 йил ўрталарида фаолиятини бошлаган Homelink тизимини жорий қилди. Кейинчалик шунга ўхшаш тизимларни бошқа молия институтлари ҳам ярата бошладилар. Банк хизматларини фақат телефон орқали кўрсатиш имкониятини биринчи бўлиб инглиз банки First Direct (1989 йил) таклиф қилди. Банк иши тарихида илк марта фақат телефон орқали хизмат кўрсатадиган банкнинг юзага келганлигини алоҳида таъкидлаш жоиз, чунки бу банкнинг бирорта ҳам бўлими йўқ эди. First Direct банки ўз мижозларига электрон каналлар орқали хизмат кўрсатаётган энг биринчи ҳамда ҳозирда ҳам жуда самарали фаолият юритаётган банклардан биридир. Ундан ташқари филиалсиз фаолият юритувчи банклар (Direct banks) мисол учун, ING Direct, PC Financial (Канада), First Direct (Буюк Британия), HSBS Direct, Internet Bank of America va E-Trade Bank (АҚШ) банклари ҳам ўз хизматларини асосан онлайн тарзда тақдим қила бошлади. 1990 йилларда АҚШда телефон орқали масофадан банк хизматларини амалга оширишга шароит яратилди. Дастлаб North Carolina National Bank 1990 йилда ўз мижозларига телефон тизими орқали 30 дан ортиқ хизмат ва операцияларни таклиф қилиб, бунинг учун катта миқдордаги Call-центрлар ташкил этди. 1990 йилда тизимга кунлик қўнғироқлар сони қарийб 200 мингтани ташкил этар эди [3].

1-жадвал

Масофавий банк хизматларининг ривожланиш босқичлари[4]

№	Йиллар	Амалга оширилган тадбирлар
1	1951-1970	Операцияларни автоматик равишда текшириши учун MICR, Magnetic Ink Character Recognition ва ERMA каби технологиялар билан банк хизматларини автоматлаштириш бўйича тадбирлар амалга оширилди.
2	1971-1980	Банк хизматлари компьютерлар ёрдамида тўлиқ автоматлаштирилди. Экранли терминаллар ёрдамида банк мижозлари ҳисобрақамларига реал вақт режимида кириб, уни бошқара олишлари мумкин бўлди. Шунингдек, «Home Banking» концепцияси бўйича илмий изланишлар ва дастурий тажрибалар олиб борилди.
3	1981-2000	«Home Banking» вужудга келди. «Home Banking» хизматларидан мижозлар ҳафта давомида кеча-ю кундуз фойдаланиш имконияти яратилди. Буюк Британияда биринчи бор интернет-банкнинг хизмати таклиф қилинди ва у «Home-link» дея аталди. First Direct банки биринчилардан бўлиб телефон орқали банк хизматларини кўрсата бошлади.
4	1991-2000	АҚШда биринчи онлайн банкнинг хизмати вужудга келди. Биринчи бор онлайн банкнинг bankofamerica.com веб-сайти орқали ишлади ва энди махсус банк дастурларига эҳтиёж йўқ эди, мижозларга банкнинг веб-сайтига кунига 24 соат кириш имкони яратилди. Биринчи соф интернет банки First Security Network Bank пайдо бўлди ва у 1997 йилда тўлиқ виртуал банкка айланди.

5	2001-2010	Онлайн режимда хизматлар тараққий этиши натижасида АҚШда The Federal Financial Institutions Examination Council қонун ва қоидаларни ишлаб чиқди. Бу даврда банк филиаллари бирлашди ҳамда истеъмолчиларнинг банк операцияларини киоск ва онлайн хизматлар орқали бажарила бошланди. Банк операциялари бўйича мобил-банкнинг хизмати ва мобиль иловалар вужудга келди.
6	2011-х.в	Онлайн-банкнинг йўналишлари ривожланишда давом этди. Хусусан, мобил-банкнинг хизмати тезкорлик билан оммалашиб борди. Филиалсиз фаолият юритувчи Direct банклар сони кўпайди. Банк ҳисобварақларини масофадан бошқариш каналлари, турлари кўпайиб, тараққий этмоқда.

АҚШда компанияларнинг 80% дан ортиғи ўз иш фаолиятида Call-марказлардан фойдаланади. Швеция, Норвегия, Финляндия, Дания ва Голландия каби мамлакатларда Call-марказдан фойдаланувчиларининг сони энг кўп эди. Франция, Австрия ва Италия банклари филиаллар очиш орқали чакана миқозларга хизмат кўрсатишнинг анъанавий моделидан воз кечишга шошилмади. Германия ва Испанияда масофавий банк хизматлари тизимидан фойдаланиш жадаллашиб бормоқда. Банклар мобил-банкнинг хизматни таклиф қилган бўлса-да ХХІ асрнинг бошида тарқалган кичик мобиль телефонлар экранида ўз молиявий маълумотларини кўришнинг қийинлиги ва аҳоли қизиқишининг камлиги бу хизматнинг ривожланишига тўсиқ бўлди. 2002 йилда Wells Fargo мобил-банкнинг хизматини ишлаб чиқди ва унда фақатгина 2500 миқозлар рўйхатга олинган эди. Лекин, тизимдаги айрим камчиликлар мавжудлиги туфайли, тизимдан фойдаланиш ривожланмади. Кейинчалик мобиль телефонларнинг ҳажми ва имкониятлари ортди, мобилбанкнинг самарадорлиги ҳам ошди. Банклар ҳам мобиль телефонлар учун кўпроқ иловаларни таклиф қилдилар, смартфон фойдаланувчилари мобил-банкнинг хизматининг илғор иловаларидан фойдаланишни қўллаб-қувватлади. Миқозлар банк томонидан тақдим этилган янгиланган, қулай навигация, расмлар ва графикалар билан технологик жиҳатдан такомиллаштирилган илғор иловаларни афзал кўришди. Интернет-банкнинг хизмати яхши ривожланиши банклар фаолиятига жуда ҳам ижобий таъсир қилдики, эндиликда тижорат банклари ходимларидан фақатгина талаб қилинадиган нарса кўпроқ виртуал тўловларни назорат қилиш бўлиб қолди холос. Виртуал банклар ўз номи билан фақат интернет тармоғида мавжуд бўлиб, тўловларни барчасини интернет орқали қабул қилиб ўтказувчи жисмоний жиҳатдан мавжуд бўлмаган (офисига эга бўлмаган) тижорат банклари саналади. Унда барча амалга оширилаётган банк амалиётлари махсус дастур асосида назорат қилиб борилади ва тегишли малакали мутахассислар томонидан кузатиб борилади. Виртуал банклар ривожланиши билан бир қаторда йирик молиявий корхоналар ҳамда банклар ҳам илк маротаба ўз миқозларига электрон каналлар орқали хизмат кўрсатишнинг янги шакллари таклиф эта бошладилар. Дунё бўйлаб 600 дан ортиқ банклар тўлиқ ҳажмдаги интернет-хизматини таклиф этишмоқда. Улар электрон пуллар айланиши ҳамда виртуал товар айирбошлашни таъминлашади. Интернет глобал тармоғидан фойдаланувчилар сонининг ортиб бораётгани Европанинг ривожланган мамлакатларида ушбу янги банк хизматларидан фойдаланувчилар сони мамлакат умумий аҳолисининг 60-90% ни ташкил этаётгани кузатилмоқда.

Айни пайтда МДХ мамлакатлари орасида Россия Федерациясида интернетбанкнинг янада кўпроқ тарқалмоқда. Analytic Research Group экспертларининг таҳлилига кўра, Россия бозорининг яқин йилларда ўсиш суръатлари йилига 100 фоиздан кам бўлмайди. Бозорнинг қатъий ўсиши асосан масофавий хизматларнинг ривожланиши ва банк маҳсулотларининг аҳоли ўртасида тарқалиши каби омилларга боғлиқ бўлади. Ҳозирги кунда Россия банклари масофадан банк хизмати кўрсатиш тизимлари функционалигини кенгайтириш соҳасида фаол ишламоқда, бозорнинг янги сегментларига чиқишмоқда,

лекин тадқиқотларни кўрсатишича, бу банк хизматларининг кўрсатилиши билан фақатгина айрим банклар фаол шуғулланмоқда[5]. Ҳозирги кунда кўпгина ривожланган мамлакатлар банклари анъанавий банк филиалларини ташкил қилиш орқали мижозларга хизмат кўрсатиш моделидан масофадан туриб хизмат кўрсатиш тизимига ўтмоқдалар. Банкларнинг масофадан туриб хизмат кўрсатиш моделига ўтишига қуйидаги факторлар сабаб бўлмоқда:

- рақобатнинг ўсиши;
- вақт омили;
- коммуникация воситаларининг ривожланиб бораётганлиги.

Банкларда масофавий банк хизматларини ривожлантириш стратегиясида айни соҳага киритиладиган сармоя ҳажми ва берилаётган эътибор энг аҳамиятли жиҳатлардандир. «FinTech»га (молиявий технологияларга) сармоя киритиш жаҳон миқёсида 2018 йилда 111,8 млрд. АҚШ долларга етганлиги, шундан, АҚШнинг улуши 47,0 фоизини (52,5 млрд. АҚШ доллар) ташкил этган. Бугун дунёда «FinTech» саноати энг замонавий технологиялар билан тараққий топмоқда. Улар ёрдамида молия бозоридаги ечимини топмаган ҳолатларга оддийгина молиявий ечимлар ишлаб чиқилмоқда [6]. 2018 йилда Амстердамда «Money2020» лойиҳаси бўйича Европанинг йирик «FinTech»чилари молиявий технология олами доирасидаги мавзуларни муҳокама қилиш учун учрашди. Қуйида учрашувдаги энг муҳим 5 та масалага тўхталиб ўтилди:


- Мобиль технологиялар. Сўнгги пайтларда мобиль телефонлардан кўплаб одамлар фойдаланаётганлиги, одамлар учун ажралмас техник восита бўлиб қолганлиги сабабли, молиявий хизматлар ҳам ушбу алоқа воситалар доирасида ташкил этилмоқда. «PwC’s 2018 Digital Banking Consumer Survey» маълумотларига кўра, одамлар ўз смартфонлари ёрдамида банк хизматларидан фойдаланишни афзал кўраётган одамлар сони ортиб бормоқда. Мобил-банкнинг ёрдамида банк ва мижозлари жисмоний алоқасиз, банк биносига бормасдан пул маблағларини бошқариши мумкин.

- Рақамли банклар. Мобил-банкнингнинг кескин тарзда ривожланиши натижасида филиаллар ва шохобчалар очмасдан фаолият кўрсатувчи рақамли банкларнинг кўпайишига олиб келди. Улар айниқса молиявий битимларни амалга оширишда смартфонлардан фойдаланадиган аҳоли қатлами орасида жуда машҳурдир. Натижада, истеъмолчиларга пул маблағларини масофадан бошқариш имконини берадиган иловаларни тақдим этади. Шунинг таъсирида банк филиалларига ташрифлар йилдан-йилга пасаймоқда.

- Биометрик технологиялар. Рақамли иқтисодиёт асида молиявий хизматлари саноати кибер-автоматларга нисбатан заифлашган. Шунинг учун «FinTech» саноати учун хавфсизлик биринчи ўринда туради. Фирибгарликларнинг олдини олишнинг йўлларида бири биометрик технологияларни қўллашдир. Бироқ биометрик аутентификация қилишнинг ягона афзаллиги хавфсизлик эмас. Ушбу технология орқали иловага киришни осонлаштиради ва тезлаштиради.

- Блокчаин технологияси. Блокчаин технологиясидан фойдаланишда тизимнинг шаффофлиги туфайли кўплаб «FinTech startup»лар қилинмоқда. Блокчаиннинг яна бир афзаллиги, молиявий операцияларни автоматлаштирилган ақлли шартномадир. Шунинг учун молиявий институтлар ушбу технологияга катта эътибор қаратилиши кутилмоқда. • Сунъий интеллект. Аксарият экспертлар сунъий интеллектни яқин келажакда «FinTech»га катта таъсир ўтказишини таъкидламоқда. «FinTech» саноати сунъий интеллектдан фойдаланишига бир қатор сабаблар мавжуд. Аввало сунъий интеллект маълумотларни таҳлил қилиш каби вазифаларни автоматлаштирган, бу эса анча вақтни тежашга ёрдам беради. Бундан ташқари технология «chatbots» ва маслаҳатчи робротларни яратиш учун, мижозларнинг хатти-ҳаракатларини кузатиш орқали фирибгарликларни аниқлашда ҳам ишлатилади. Банк ходимлари учун овозли ёрдамчилар ишлаб чиқарилмоқда. «OSBC Bank» яқинда Сингапурда «Google» билан ҳамкорликда биринчи сунъий интеллект ёрдамида овозли банкни ишга туширди. Бу мижозларга кредитлари миқдорини ҳисоблаш, маблағларини бошқариш, банк янгиликларидан хабардор бўлиш, банкнинг яқин

филиаллари ва банкоматлари тўғрисида маълумот олиш каби банк хизматларини суҳбатлашиш орқали амалга оширишга ёрдам беради[7]. Хусусан, 2019 йилда дунё миқёсида молиявий хизматларининг энг тез ривожланаётганлари ҳақида сўровнома ўтказилганида мобил технологиялар ва автоматик таҳлил қилувчи воситалар банк тизимида энг катта потенциал таъсирга эга бўлганлиги аниқланди. Интернет воситалари, блокчейн ва кабелли воситаларнинг 2019 йилда банк тизимда қўлланилиши борасидаги таъсири анча паст даражада эканлиги аниқланди.



1-расм. 2019 йилда банк тизимига таъсир кўрсатган рақамли технологиялар¹[17]

Келажакда банклар ўртасида мижозлар жалб қилиш борасидаги рақобатнинг фаоллашиб бораётганлиги бугунги кундаги ривожланиш тенденциядан ҳам сезилмоқда. Хусусан, банклар ички ва ташқи маълумотлардан, сунъий интеллект, илғор автоматик таҳлил тизимлар имкониятларидан самарали фойдаланиш ва онлайн режимда рискларни баҳолаш рақамли тизимларга эҳтиёжи ортиб бормоқда.

Хулоса ва таклифлар. Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегияси концепциясида Ўзбекистонда тўлов тизимини ривожлантиришни икки даврга ажратган бўлиб, биринчи даврни 2020 йилгача бўлган даврни ўз ичига олган ва унда банк хизматларини кўрсатувчи иловалар яратилиши, мижозларни ягона тўлов платформага улаш, ушбу тўлов платформасида мижозларни қўллаб-қувватлаш сервисини ташкил этиш, кардридер ва мобиль POS терминаллар тўлов тизимига жорий қилиш, P2P ҳисоб-китобларини юритиш каби вазифалар белгилаб олинган. Иккинчи давр эса 2025 йилга бўлган даврни ўз ичига олган ва унда товарларни ҳисобга олиш ва сотиш портали, транзакциялар бошқаруви тизими, мобил-банкнинг **криптографик** идентификаторлари, турли хизматларни банкларнинг **рақамли платформаларига интеграциялаш**, B2B, B2C тезкор ўтказмаларини жорий қилиш, очиқ дастурларни дастурлаш интерфейси, банк бизнесида масофадан идентификация қилиш, сунъий интеллект ва автоматлашган

¹ Манба: © 2019 Efmа and EdgeVerve Systems Limited. All rights reserved.

машиналарни ўрганиш асосида банк маҳсулотлари ва хизматларини тақдим қилиш имкониятлари яратилиши назарда тутилган.

Фикримизча, рақамли иқтисодиётнинг ривожланишини банк молиявий хизматларида ривожлантириш мақсадида қуйидаги масалаларни ҳал этиш лозим:

Биринчидан, банклар иқтисодиётнинг локомотиви вазифасини янада ривожлантириб илдамланган ҳаракатга ўтиши ва молиявий хизматларни рақобат устунликлари, ихтисослашуви ва ўсиш нуқталарини инобатга олган ҳолда, шакллантириши ва амалга ошириш керак;

Иккинчидан, банклар тижорат ташкилоти эканлиги, энг аввало, тижорий мақсадни кўзлаши ҳамда бозор механизмлари асосида иш ташкил этилиши лозим;

Учинчидан, банкларнинг асосий фаолиятидан ташқарида бўлган вазифаларни бажариши каби ҳолатларини олдини олиш зарур.

Натижада, рақамли иқтисодиётни ривожлантириш ва унда банк масофавий хизматларини янада кенгайтириш мамлакатимиз аҳоли турмуш даражасини ошириш, иқтисодиёт тармоқларининг шаффоф фаолиятини йўлга қўйишга ҳамда ахборот технологиялардан кенг фойдаланиш имкониятини оширади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. 2021-2023 йилларга мўлжалланган Молиявий хизматлар оммабоплигини ошириш миллий стратегияси. https://cbu.uz/oz/press_center/presentations/542766/

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-3620-сонли Қарори.

3. Call-центр для банка: мода или необходимость? // Банковские технологии. – 2003. – №3. – С. 59–60.

4. Мамадияров З.Т. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати – Т.: 2019. – 54 б.

5. <http://www.analyticgroup.ru> сайти маълумотлари.

6. <https://home.kpmg/xx/en/home/media/press-releases/2019/02/globalfintech-investment-hits-record-in-2018.html>.

7. Мамадияров З.Т. Тижорат банкларида масофавий банк хизматларини ривожлантириш. Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси – Т.: 2019. – 166 б.

З.Рафиева	Z.Rafieva
<p style="text-align: center;">Пути повышения эффективности банковских и финансовых услуг с помощью цифровых технологий</p> <p>Аннотация: Роль цифровых технологий в развитии банковских и финансовых услуг однозначно возрастает в условиях углубления экономических реформ и быстрого движения информационных потоков в Узбекистане. В данной статье рассматриваются основные показатели повышения эффективности банковских и финансовых услуг и анализируется влиянием цифровых технологий.</p> <p>Ключевые слова: Мобильные технологии, цифровые банки, биометрические технологии, технологии блокчейн, технологическое развитие, цифровая экономика, банковские и финансовые услуги, дистанционное банковское обслуживание.</p>	<p style="text-align: center;">Ways to improve the efficiency of banking and financial services through digital technologies</p> <p>Abstract: The role of digital technologies in the development of banking and financial services is clearly increasing in the context of deepening economic reforms and the rapid movement of information flows in Uzbekistan. This article discusses the main indicators of improving the efficiency of banking and financial services and analyzes the impact of digital technologies.</p> <p>Keywords: Mobile technologies, digital banks, biometric technologies, blockchain technologies, technological development, digital economy, banking and financial services, remote banking.</p>

ISSN 2091-5187

☞ “СЕРВИС” ☞

Журнал Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти таҳририят
бўлимида нашрга тайёрланди.

9.03.2023 йилда теришга берилди. 22.03.2023 йилда босишга рухсат этилди.
Офсет босма қоғози. Қоғоз бичими 60x84_{1/8}. “Times” гарнитураси. Офсет
босма усули. Шартли босма табағи 14,6. Ҳисоб-нашриёт
табағи 12,5. Адади 100 нусха. Буюртма № 0016 А/23.

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институтининг
матбаа бўлимида чоп этилди.
Лицензия № 025316.
Реестр № Х-119112.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Шохрух кўчаси, 60-уй.

© Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти, 2023